

Тошкентда Амир Темурга бағишланган тарихий китоблар кўргазмаси очилди

01 апрел 2015



Кутубхона ахборот хизматининг [маълум қилишича](#), ушбу коллекцияга XVIII аср боши ва XX аср ўрталарида нашр этилган адабиётлар киритилди.

Амир Темурнинг жанг санъати, ҳарбий юришлари ва галабалари ҳақида хикоя қилувчи бу экспозицияда форс тилидан инглиз тилига Уилям Дивейн томонидан таржима қилинган, 1783 йилда тошбосма усулида чоп этилган “Темур тузуклари”, Л-М.Лянгле томонидан Амир Темур ҳаёти ҳақида сўзловчи, 1890 йилда чоп этилган “Темур ҳаёти”, Франсуа Пети де ля Кроа томонидан форс тилидан француз тилига ўгирилган, 1723 йилда нашр этилган Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” 4 жилдлик асари ва шу каби китоблар ҳам намоиш этилган.

Шунингдек, китоблар экспозициясидан Э.Г. Браун, У. Эрскин, Ж. Лейден, А.С. Бевериж, Г.М. Эллиот, Ж. Доусон, Эд.Д. Росс, К.Р. Маркем Ж. Де-Гин, М. Иванов, Н. Ликошин, М. Сале, Н.Илминский, А. Самойловичлар каби машҳур шарқшунос-олимлар, ҳарбий тарихчилар, географлар ва тилшуносларнинг илмий, тарихий ва бадиий асарлари ҳам ўрин олган.